SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2016-yil, 23-avgust. Seshanba • 98 (32.157) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

25

## Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

### ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўртача ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 149 775 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 292 940 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 292 940 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 179 755 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2016 йилнинг 1 октябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 августдаги ПФ–4751-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2016 йилнинг 1 октябридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2016 йил 22 август*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси 2016 йил 24 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2016 йил 23 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.



Фазлиддин ҒОИПНАЗАРОВ (чемпион)



Шахобиддин ЗОИРОВ (чемпион)

Rio2016



Бектемир МЕЛИҚЎЗИЕВ (кумуш)



Магамед ИБРАГИМОВ (бронза)



Ихтиёр НАВРЎЗОВ (бронза)

## Халқимизнинг фахри ва ифтихорлари

**Рио-де-Жанейро (Бразилия)да 5 — 21 август кунлари ўтказилган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида мамлакатимиз спортчилари тўрт олтин, икки кумуш ва етти бронза медалига сазовор бўлди. (Суратларда: олимпиаданинг сўнгги кунларида ғолиб ва совриндор бўлган ҳамюртларимиз).**

4

ЖАҲОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

## Олимпиада ўйинларида

**Марказий Осиё давлатларидан бирор спортчи оғир атлетиканинг юқори вазнида совриндор бўлмаган эди**

Куни кеча якунига етган XXXI Олимпия ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар муваффақиятли иштирок этди. Ҳамюртларимиз жами 13 медални қўлга киритди. Жаҳоннинг кўзга кўринган интернет сайтларида спортчиларимизнинг муваффақиятларига бағишланган турли мақолалар эълон қилинди. Биз уларнинг айримларини қисқартирган ҳолда эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

**worldseriesboxing.com:**

«Олимпиада ўйинларининг сўнгги кунида ўзбекистонлик Фазлиддин Ғоипназаров озарбайжонлик, асли келиб чиқиши кубалик бўлган боксчи Лоренцо Сотемайорни мағлуб этиб, олимпиада чемпиони бўлди. Бу ўзбекистонлик боксчиларнинг шу кунги иккинчи, мусобақа бошланганидан бери эса учинчи олтин медали бўлди.

Сотемайор олимпиада ўйинларининг олтин медалини қўлга киритишга бор кучи билан ҳаракат қилди. Бироқ Ғоипназаров бунга йўл қўймади».

**firstpost.com:**

«Ҳиндистонлик Викаш Кришан олимпиада ўйинларининг чорак финал жангидан кейин ўзбекистонлик кучли боксчи Бектемир Мелиқўзиевга қарши қўлидан ҳеч нарса келмаганини тан олди.

Ҳиндистонликлар камида бронза медални кутишаётган эди. Бироқ Викашнинг ўзбекистонлик Бектемир Мелиқўзиев олдида сезиларли даражада кучсиз экани яққол билиниб қолди».

**«The Indian Express»:**

«Ўзбекистонлик Шаҳрам Ғиёсов жуда тез ҳаракат қилиши билан финалгача бўлган жангларда рақибларига имконият қолдирмади. Ярим финал баҳсида Муҳаммад Рабиини мағлуб этган ўзбекистонлик боксчи кучини барчага кўрсатиб қўйди.

Унинг чорак ва ярим финалдаги рақиблари жуда кучли эди. Рабии 2015 йилги жаҳон чемпионати ғолиби бўлса, Роньел Иглесиас 2012 йилги Лондон олимпиадаси чемпиони эди».

**nbcolympics.com:**

«Шу пайтгача олимпиада ўйинларида Марказий Осиё давлатларидан бирор спортчи оғир атлетиканинг юқори вазнида ғолиб бўлмаган эди.

Руслан Нурудинов нафақат бу борада биринчи бўлди, балки олимпиада ўйинлари рекордини ҳам янгилади.

Нурудиновнинг чиқиши ўзига хос бўлди. У сўнгги оғирликни кўтарганидан кейинги кўз ёшларини тия олмади».

**Sbnation.com:**

«Ўзбекистонлик Ҳасанбой Дўсматов олимпиада ўйинлари финалида колумбиялик рақибини мағлуб этиб, олтин медаль эгасига айланди.

Дўсматов 1 ва 2-раундда ҳушёрликни йўқотмаган ҳолда рақибини масофада ушлади ва керакли очколарни жамғарди. Сўнгги раундда ҳам рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. У ярим финалда америкалик Нико Эрнандесни ҳам айнан шундай услуб билан мағлуб этган эди».

**«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ тайёрлади.**

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

## КИНЕМАТОГРАФИЯ:

### ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш — давр талаби

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан маданий-гуманитар соҳада ижтимоий тенглик тамойилларини янада мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, истеъдодли йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалалар ўрин эгаллаган. Шу маънода, ёш авлодни ватанпарварлик, ота-онага ҳурмат, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашда кино санъати муҳим ўрин тутади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда бу санъат тури изчил ривожланиб бормоқда. Мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш зарурати юзага келди.

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Кинематография тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Шуҳрат ТУРСУНБОЕВ** билан қонун лойиҳасини яратишдан кўзланган асосий мақсад, унинг соҳа ривожидаги аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.

*Давоми 2-бетда.*

## «ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР» КИТОБИНИНГ ТЎРТИНЧИ ЖИЛДИ НАШРДАН ЧИҚДИ

**«Маънавият» нашриёти томонидан «Президентга мактублар» китобининг навбатдаги — тўртинчи жилди чоп этилди.**




Ушбу китобдан 2013 — 2016 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқаролари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, жамоат арбоблари томонидан келган хатлар ва уларга жавоб мактубларидан айрим намуналар ўрин олган.

Мазкур хатларни ўқир экансиз, турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган, ёши, касбу кори, миллати ва дунёқарашига кўра бир-биридан фарқ қиладиган мактуб эгаларининг ўй-фикрлари, орзу-интилишлари нақадар холис ва самимий экани, уларни умумий бир хусусият — она Ватанимизга, халқимизга, Президентимизга меҳр ва ишонч бирлаштириб турганини яққол ҳис қиласиз.

Ватанимизнинг турли ҳудудларидан Юртбошимиз номига юборилган хатлар Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт манзарасини, барча соҳа ва тармоқларда эришаётган ютуқ ва марраларимизнинг миқёси ва кўлами, уларнинг юртдошларимиз ҳаётига кўрсатаётган ижобий таъсирини бамисоли ёрқин кўзгудек намоён этиши билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган замоннинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, одамларимиз аввало ўзига, оиласига бевосита дахлдор бўлган воқеа-ҳодисалардан, ўзгаришлардан тўғри хулоса чиқариб, бу жараёнда ўзининг ўрни ва таъсири қандай эканини тушуниб, англаб, ҳаётга, келажакка катта ишонч билан яшамоқда. Айни мана шу хусусият барча мактубларнинг бош ғояси, бош мавзуси, десак, хато бўлмайди.

Ушбу хатларнинг асосий қисмида кўрсатилган меҳр-оқибат ва яхшилик, эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимизга, халқимизга, Президентимизга самимий миннатдорлик туйғулари ифода этилган. Бу бежиз эмас. Нега деганда, халқимиз доимо яхшиликка интилиб, яхшиликни қадрлаб яшайди.

Мухтасар айтганда, бу хатлар юртдошларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури ўзгариб, уларнинг гражданлик позицияси тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Бу айни пайтда халқимиз ижтимоий кайфиятининг муҳим устувор кўрсаткичидир.

Мазкур китобда жам бўлган хатларда оддий мактаб ўқувчисидан тортиб кўпни кўрган тажрибали инсонларгача, ишчи ва муҳандислар, деҳқон ва фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлардан тортиб шифокор, муаллим ва мураббийларгача, илмий-ижодий соҳа вакилларидан тортиб ҳарбий хизматчиларгача, қисқача айтганда, бутун халқимизнинг овози баралла эшитилиб туради, десак, муболаға бўлмайди.

Мактуб муаллифлари орасида хорижий давлатларнинг фуқаролари, атоқли давлат ва сиёсат арбоблари ҳам борлиги Президентимизнинг серқирра фаолияти халқаро миқёсда, чет элларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани — мамлакатимиз қўлга киритаётган улкан марралар жаҳонда тан олинаётгани ва кенг эътироф этилаётганининг яна бир амалий ифодасидир.

Бундай хатларда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, Ўзбекистон билан чет давлатлар ҳамкорлигининг турли қирралари, халқимизнинг қадимий ва бой тарихи, унинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси, Марказий Осиё минтақаси ва жаҳон миқёсидаги долзарб масалалар ечими бўйича Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилаётган амалий таклиф ва хулосаларнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Ўйлаймизки, бу тўплам Ўзбекистон Президентининг мустақил тараққиётимизнинг ўта мураккаб ва юксак масъулиятли давридаги самарали фаолияти, мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида халқимиз қўлга киритаётган тарихий ютуқ ва марралар, фуқароларимизнинг жамият ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланиш жараёнларига дахлдорлик ҳисси ва бурчи, шу билан бирга, давлатимиз раҳбари томонидан халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган самимий ва амалий мулоқотлар ҳақида китобхонларимиз тасаввурларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**ЎзА**

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

Кино санъати инсон онги ва тафаккурига, ижтимоий ҳаётга кучли таъсир кўрсатувчи восита ҳисобланади. Шунингдек, у миллий маънавиятимизни юксалтириш, одамларнинг дунёқарашини кенгайтиришда муҳим ўрин тутади.

# КИНЕМАТОГРАФИЯ:

## ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш — давр талаби

**— Кинематография тўғрисида қонун қабул қилинишига қандай эҳтиёж бор? Шу кунгача мазкур соҳа қандай ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинар эди?**

— Кино санъати инсон онги ва тафаккурига, жамият ҳаётига кучли таъсир кўрсатувчи восита ҳисобланади. Шунингдек, у миллий маънавиятимизни юксалтириш, одамларнинг дунёқарашини кенгайтиришда муҳим ўрин тутади. Энг аввало, шуни айтиш керакки, ҳозирда қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиш жараёнида. Яъни, унинг концепцияси яратилган.

Мустақиллик йилларида соҳанинг **ҳуқуқий базаси, иқтисодий имкониятлари** шакллантирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 16 мартдаги «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони асосида республикада кинематография фаолияти янги босқичга олиб чиқилди. Фармонда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, изчиллик билан ижросини таъминлаш борасида ҳукуматнинг бир қатор қарорлари қабул қилинди.

Бугунги кунда йилига 15 бадиий фильм, 40 қисмдан иборат 20 ҳужжатли ва илмий-оммабоп, 10 мультипликацион кинофильм ва 60 соатлик маънавий-маърифий, ўқув-услубий видеофильмлар ишлаб чиқариш учун давлат бюджетидан маблағ йўналтирилиши кино санъатини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқилиш жараёнида 2015 йилда **Қонунчилик палатасидаги Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан** 2000 йилгача қабул қилинган қонунлар тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди. Шунингдек, қонун билан тартибга солинмаган соҳалар аниқланди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хатловдан ўтказилди. Натижада кинематография соҳасида бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги кўзга ташланди. Хусусан, инвентаризация натижаларига кўра, кино соҳасидаги муносабатлар турли ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланганлиги, **тарқоқлиги туфайли** уларни қўллашда муаммолар келиб чиқаётгани аниқланди.

Айниқса, замон қаҳрамони образини яратиш, миллий кино маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун халқаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, хорижий кинокомпаниялар ва киноижодкорлар билан алоқаларни янада кенгайтириш масалаларида ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш лозимлиги ойдинлашди. Соҳада кино маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги муаммолар, маҳсулот (товар)ни давлат рўйхатидан ўтказиш ва намойиш қилишга рухсат беришдаги нормативларнинг мавжуд эмаслиги ва яна



бир қатор ҳуқуқий муаммолар қонун ишлаб чиқиш заруратини кўрсатди.

Шунингдек, **«кинематография ташкилоти», «кинематография фаолияти»** тушунчаларига ҳуқуқий мақом берилмаганлиги, мулкий ҳуқуқ эгаларининг ҳимояси, аудиовизуал асарларни тайёрлаш, тарқатиш, уларни реализация қилишда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Баркамол авлодни тарбиялашда мусиқа, кино ва театр санъатининг ўрни беқиёсдир.

**— Қонун лойиҳасида кинематография соҳасидаги асосан қайси муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш кўзда тутиляпти?**

— Қонун лойиҳаси соҳани тўлиқ тартибга солиши керак. Биринчи навбатда, соҳада давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли органнинг, шунингдек, соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи ваколатли органларнинг вазифалари белгиланиши назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, киномаҳсулотларни ишлаб чиқиш, тарқатиш, сотиш, кўпайтириш, қайта тайёрлашдаги муносабатларни тартибга солувчи, нодавлат киностудияларни ривожлантиришга қаратилган, давлат буюртмасини олиш тартиблари каби нормалар киритилиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари, кино маҳсулотлар, аудиовизуал асарларни яратишда ва фойдаланишда муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш, халқаро алоқалар, кинематографияда кадрлар тайёрлаш масаласи каби нормаларни белгилаш назарда тутилган. Умуман, кино ва кино маҳсулотларини ишлаб чиқишда ҳар қандай ҳолат қонун билан тартибга солиниши лозим.

Қонун лойиҳасида ушбу соҳада бирон бир ҳуқуқий муносабатларни чегаралаш ёки ижод қилишни таъқиқлаш билан боғлиқ нормалар белгиланмайди. Лекин зўравонлик, порнография, ёшлар онгини бузувчи, маънавиятимизга таҳдид солувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сотиш, тарқатиш қонун билан таъқиқланиши ва унга жавобгарлик борлиги аниқ кўрсатилиши лозим.

**— Дарҳақиқат, кино санъати жамиятдаги муносабатлар, айниқса, ёшлар тарбиясида муҳим ўрин тутади. Шу маънода қонун лойиҳасида мазкур жиҳатлар қай даражада эътиборга олинади?**

— Фикрингизга қўшиламан. Баркамол авлодни тарбиялашда мусиқа, кино ва театр санъатининг ўрни беқиёсдир. Президентимиз **«Юксак маънавият – енгилмас куч»** асарида «**Биз бугунги кунда таълим-тарбия соҳасидан бошлаб, матбуот, телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, уни янги босқичга кўтаришимиз зарур**», деб таъкидлаган эди.

Ҳақиқатан ҳам, кино соҳасида ижод қилаётган ҳар қандай инсон биринчи навбатда яратган маҳсулотининг тарбиявий аҳамиятига эътибор қаратиши лозим. Тайёр аудиовизуал асар, бу — санъат намунасидир. Балки, ишлаб чиқариш жараёнини биз киносаноати, киноиндустрияси ёки тадбиркорлик, деб олишимиз мумкин. Лекин тайёр маҳсулот энди жамиятга хизмат қилиши, маънавиятни юксалтиришга ҳисса қўшадиган санъат дурдонаси бўлиши керак. Шунинг учун қонун лойиҳасида миллий маънавиятимиз, жаҳон классикаси, замонавий қаҳрамонларни яратиш билан боғлиқ жиҳатларга жиддий эътибор қаратиляпти. Бу эса кинематография соҳасини янада ривожлантиришга, тарбиявий аҳамиятини оширишга хизмат қилади, деб ўйлайман.

**— Албатта, бугунги кунда хусусий киностудиялар фаолияти кенгайиб бормоқда. Айтингчи, қонун лойиҳасида бу масала ҳам эътиборга олинадими?**

— Жаҳон тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, хусусий киностудияларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Лекин бу уларга мутахассис бўлмасдан туриб маҳсулот яратиб, оммага тарқатиш имконини бериш дегани эмас, албатта. Қонун лойиҳасида хусусий, нодавлат кино ташкилотларини ривожлантиришга қаратилган нормалар белгиланади.

Бироқ хусусий киностудияларда олинаётган фильмлар, яратилаётган кино маҳсулотлари, ундаги талқин этилаётган образларни яратиш кўп жиҳатдан мутахассисларга боғлиқ. Шу боис соҳада кадрлар тайёрлаш масаласи устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади. Қонун лойиҳасидаги меъёрлар албатта давлат ва нодавлат киностудияларда бир хилда қўлланилади. Демак, кино маҳсулотларини ишлаб чиқаришга бўлган талаб ягона бўлади.

Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, қонун лойиҳасини мукаммал ишлаб чиқиш мақсадида Қонунчилик палатасидаги Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда «Ўзбеккино» миллий агентлиги ҳамкорлигида кўплаб семинарлар, мулоқотлар ташкил этилмоқда. Соҳани ҳуқуқий тартибга солиш бўйича киноижодкорлар томонидан ҳам таклифлар келиб тушмоқда. Сайловчиларнинг фикрлари ўрганиляпти. Йил охирига қадар қонун лойиҳасини пишиқ-пухта қилиб тайёрлаш режалаштирилган.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Нурали ОРИПОВ суҳбатлашди.**

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲАЁТИДАН

# Тинчликни асраш — бурчимиз

**Сариосиё туман кенгаши томонидан ўтказилган давра суҳбати шу мавзуга бағишланди.**

Унда туман кенгаши масъуллари, депутатлар, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси ходимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш учун мустаҳкам замин яратгани таъкидланди.

Мамлакатимиз мустақиллигини кўз қорачиғидек асраш, жаҳонда рўй бераётган турли низо ва қарама-қаршиликларнинг оғир оқибатларини аҳоли, хусусан, ёшларга атрофлича тушунтириш, йигит-қизларни мафкуравий хуружлар таъсиридан ҳимоялашда депутатлар, партия ташкилотлари янада фаол бўлиши кераклиги ҳақида сўз юритилди.

Фикр-мулоҳазалар асосида мавзу юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

# Мустақиллик масъулияти

**Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб маърифий тадбир ўтказилди. Унда партиянинг шаҳар кенгаши масъуллари, депутатлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар, ёшлар иштирок этди.**

Ҳар бир инсон ўз тақдири, ҳаёти мисолида мустақиллик берган имкониятларни тушуниб етиши, истиқлол қадрини ҳис этиши зарур. Шунда мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, уни асраб-авайлаш ҳамда Ватан равнақига ҳисса қўшиш, юрт тақдирига дахлдорлик туйғулари юксалади. Эришилган, қўлга киритилаётган натижаларга шунчаки маҳлиё бўлиб қолмасдан, уларни янада ривожлантириш, одамларда рағбат ҳиссини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим, дейишди сўзга чиққанлар.

— Истиқлолимизнинг бу йилги тантанаси «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида нишонланмоқда, — дейди **Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Нилуфар Йўлдашева.** — Бу сўзлар ҳар бир юртдошимизнинг қалбидан чуқур жой олди. Мустақиллик байрами ҳар томонлама кўтаринкилик руҳида нишонланишида бу катта аҳамият касб этади.

Тадбирда сиёсий партияларга яратилган шароит, депутатларга берилган ваколатлар ва улардан самарали фойдаланиш масалалари хусусида ҳам фикр юритилди.

**Аброр ҚУРБОНОВ тайёрлади.**

ЎЗБЕКИСТОН ХДП АКЦИЯСИ

# Электорат вакиллари билан мулоқот

**ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Зангиота туманида «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» акциясининг ҳудуддаги якуний босқичи ўтказилди.**

Унда вилоят, туман партия кенгашлари масъул ходимлари, депутатлар, Тарғиботчилар гуруҳи аъзолари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари акция доирасида қилинган амалий ишлар ҳақида тўхталиб ўтишди. Қайд этилдики, тадбирлар давомида кам даромадли, боқувчисини йўқотган оилалар вакиллари, ногиронлар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди. Уларга совға-саломлар улашилиб, муаммоларини ҳал этишда, хонадонларини обод қилишда кўмаклашилди.

— Партиямиз учун асосий йўналиш бу — электорат манфаатларини ҳимоя қилишни янги босқичга кўтаришдан иборат, — дейди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Меҳрож Дархонов.** — Шунинг учун биз ижтимоий муҳофазани мазмунан бойитиш, унинг кўламини кенгайтиришга эътиборни кучайтирганмиз. Акция давомида аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган қатор ижтимоий масалалар қамраб олинди. 192 кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила, 35 нафар ёлғиз яшовчи нуронийлар, 181 нафар жисмоний имконияти чекланганлар, 20 нафар бемор ва 74 нафар кекса йўқланди. Булар ўз навбатида аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий кўмакка муҳтожларга яқиндан ёрдамлашиш, уларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлишда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Сиёсий партиянинг ҳар бир лойиҳаси, ташаббуси электорат манфаатларига хизмат қилиши керак, албатта. Акция давомида партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари ана шу қоидага мувофиқ иш юритди, деб бемалол айта оламан.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

— Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ташкил этилаётган ушбу акция ижтимоий ҳимояга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — дейди **вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Шерали Кутлимуродов**. — Тадбирлар давомида нафақат кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олинди, балки мустақиллик йилларида юртимизда рўй бераётган улкан ўзгариш ва янгиланишлар кенг тарғиб қилинди. Ҳудудларни ободонлаштириш ишларида ҳам фаол иштирок этдик. Электорат вакиллари билан аҳолининг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилаётган эътибор, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва спорт каби соҳаларда эришилаётган ютуқлар хусусида қизғин суҳбатлар бўлди, фикр алмашилди. Учрашувлар пайтида ижтимоий масалаларда қатор мурожаатлар тушди. Депутатлар, маҳаллий ҳокимликлар ва ҳамкор ташкилотлар ёрдамида уларнинг аксарияти ҳал этилди. Демак, маълум маънода мақсадимизга эришдик.

— ЎзХДП фаоллари хонадонимизга ташриф буюришганида, тўғриси, жуда ҳурсанд бўлдик, — дейди **зангиоталик Мухтор Аъзамхўжаев.** — Мустақилик байрами билан табриклаб бизга совға улашишди. Асосийси совға-салом эмас, эътибор. Бизни йўқлаб, кўнгил сўраб келишгани учун миннатдорчилик билдираман.

— Депутатлар билан дилдан суҳбат қурдим, уруш даврида ўтган болалигим, ўша пайтлардаги қийинчиликлар ҳақида сўзлаб бердим, — дейди **Ҳалима Умарова.** — Байрам арафасида биздардан хабар олиб юрган партия фаолларига катта раҳмат...

Шу куни бундай хурсандчилик ва миннатдорчилик сўзларини кўп эшитдик. Йўқлов тадбирларидан электоратимиз вакиллари мамнун эканликларини бот-бот такрорлашди. Инсон қадр-қиммати, меҳр-муҳаббати ҳамма нарсадан устун эканлиги яна бир бор намоён бўлди.

**Зайнура ТОШМУРОДОВА**

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

ДЕПУТАТЛИК ВАКОЛАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН, АВВАЛО, САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ДОИМИЙ МУЛОҚОТДА БЎЛИШ, ОДАМЛАРНИНГ КАЙФИЯТИ ВА ФИКРИНИ ЎРГАНИБ БОРИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК?
(13-мақола)

■ Ҳозирга келиб, мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган 650 дан ортиқ қонун қабул қилинди. Улар олтита йўналишда ўз аксини топган.

# МУСТАҚИЛ ДАВЛАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАЯНЧИ

**Мустақил давлат қуриш ҳар қандай миллат ва элатга ҳам насиб этавермайди. Дунёда 1600 дан ортиқ этник гуруҳ яшаётгани ҳолда икки юзга яқин давлат борлиги фикримиз далилидир. Яна бир жиҳати жаҳонда номи мустақил бўлса-да, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бошқаларга қарам, ҳатто ўз чегараларини ўзи қўриқлай олмайдиган мамлакатлар ҳам бор.**

Юртбошимизнинг қатъияти туфайли 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани, 1990 йил 24 мартда мамлакатимизда президентлик институти жорий этилгани истиқлол йўлида ташланган дастлабки жиддий қадамлар бўлганини бугун яхши биламиз.

Президент лавозими жорий этилганидан сўнг қабул қилинган дастлабки фармонлар асосан ижтимоий ҳимоя, давлат органларини ташкил этиш, айрим тузилмаларни қайта тузиш, миллий қадриятларни тиклаш каби масалалар билан боғлиқ бўлди. Чунки халқнинг руҳиятини кўтариш, фақат хомашё етказиб беришга асосланган бирёқлама иқтисодий сиёсатнинг ҳалокатли таъсири оқибатида қолоқ ва ночор ҳолатга тушиб қолган аҳоли қатламларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, эртанги кунга ишончини оширишга эҳтиёж катта эди. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кўп болали оналарга тўланадиган нафақа миқдорларини ошириш тўғрисида»ги 1990 йил 3 майда қабул қилинган Фармонини эслаш жоиз. Шунингдек, уруш қатнашчиларига қўшимча имтиёзлар бериш (07.05.1990), бошланғич синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш (02.06.1990), қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш (28.07.1990), Президент ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тузилмаси (15.11.1990), умумхалқ байрами — Наврўзни ўтказишга тайёргарлик кўриш (12.02.1991), Диний байрам «Қурбон ҳайити»ни дам олиш куни деб эълон қилиш (20.06.1990), Республика Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш (06.09.1991), республика Давлат хавфсизлиги қўмитасини тугатиш ва Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузиш (26.09.1991), прокуратура органлари тўғрисида (08.01.1992), Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги (08.01.1992) каби фармонлари айни шу даврда имзоланди. Булар жуда муҳим аҳамиятга эга масалалар эди.

Мустақиллик ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини берди. Бу ҳуқуқнинг моҳиятида адолат, тенглик ва эркинлик мужассам. Мустақиллик — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш имкониятини яратди. Мустақиллик ўз миллий давлатимизга эга бўлиш, қаернинг фуқаросисан, деса ғурур ва ифтихор ила гўзал ва бетакрор, жаннатмакон Ўзбекистоннинг, деб жавоб бериш, она тилимизда эркин гапириш, хоҳлаган давлатга бориш, ўқиш, таълим олиш, керак бўлса, Ўзбекистон байроғи остида Олимпия ўйинлари ва бошқа халқаро спорт тадбирларида қатнашиш, ҳеч қандай таъқибдан қўрқмасдан хусусий мулкка эга бўлиш, маънавиятимизни, тарихимизни тиклаш, ўзимиз хоҳлаган динга бемалол эътиқод қилиш, фикримизни эмин-эркин баён қилиш, аввалгидек фақат бир партияга эмас, балки ўзимиз хоҳлаган, бизнинг манфаатларимизни ифода этадиган сиёсий партияга аъзо бўлиш ҳуқуқини берди.

Ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш учун, энг аввало, ҳуқуқий асос мустаҳкамланди. Жамиятимизнинг асосий қоидалари, унинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий йўналишлари белгилаб берилган Конституциямиз ҳам ана шу асосга қурилди. Ишончли қонунчилик базаси барпо этилиб, бутун давлат тузилмаси ўзгартирилди. Эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига мослашган бошқарув органларини тугатишга оид қонун ҳужжатлари қабул қилинди, янги давлатчиликнинг сиёсий-ҳуқуқий, конституциявий асослари яратилди.

Бундай қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга кучли эҳтиёж, Юртбошимиз қайд этганидек, қуйидагиларда намоён бўлди: **биринчидан**, илгари амал қилиб келган қонунлар аввалги тоталитар тузум манфаатларига қаратилганди. Бошқариш ва хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини ёқлайдиган, ишлаб чиқариш воситаларининг умумдавлат мулки бўлишини тан оладиган, хусусий мулк ҳуқуқини, эркин рақобатни батамом истисно этадиган, бозор иқтисодиёти қонунларининг амал қилишини чеклаб қўядиган қоидалар расман мустаҳкамлаб қўйилган эди.

**Иккинчидан,** илгари Ўзбекистонда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ҳаммаси умумиттифоқ талабларига батамом мослаштирилган бўлиб, республикамизнинг ўзига хос минтақавий хусусиятларини ҳисобга олмас эди. Қабул қилинадиган кўпгина қарорлар, аслини олганда, эклектик руҳида бўлиб, ҳақиқий шарт-шароитдан узилиб қолган, баъзан эса республиканинг миллий хусусиятларига ва анъаналарига, манфаатларига зид бўлар, унинг ҳуқуқларини камситар эди. Натижада иқтисодиётда ҳам, ижтимоий-маънавий соҳада ҳам жиддий номутаносибликлар, бузилишлар юз бердики, буни тезроқ бартараф этиш талаб қилинди.

Мустақилликни қўлга киритгандан кейин Ўзбекистон ёш давлат сифатида ўз халқининг манфаатларига мос келадиган янги қонунчилик асосларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши зарур эди. Шу жиҳатдан энг катта ютуқларимиздан бири бу — миллий қонунчилик мактабимиз шаклланганидир.

Ниҳоят, **учинчидан,** биз янгиланиш ва тараққиётда ўз йўлимизни, иқтисодиётни ислоҳ қилишда ўз моделимизни танлаб олдик. Шу сабабли бошқа мамлакатларнинг қонун меъёрлари ва ҳужжатларидан фойдаланиш, ҳатто улар айнан бозор муносабатларига жавоб берса ҳам, биз учун номақбул эди. Биз жаҳондаги демократик меъёрлар ва бозор иқтисодиёти тамойиллари аллақачон таркиб топиб бўлган кўпгина мамлакатларнинг қонун чиқариш соҳасидаги тажрибасини кенг ўргандик. Бу иш бизга хатоларни такрорламаган ҳолда, янгиланган жамият қуриш хусусиятларини ҳисобга олиб, ғоят қисқа муддат ичида пухта замонавий қонунчилик негизини шакллантириш, ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш бўйича ўз механизмимизни ишлаб чиқиш имконини берди. Қабул қилинаётган кўпгина қонунлар дастлаб таниқли халқаро юридик ташкилотларда ва мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилди. Уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан етуклиги, умум қабул қилинган талаблар ҳамда қоидаларга мослиги юксак баҳоланди.

Ҳозирга келиб, мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган 650 дан ортиқ қонун қабул қилинди. Улар олтита йўналишда ўз аксини топган.

**Биринчи йўналиш** давлат мустақиллигининг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг қоидаларини тартибга солувчи қонунларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлди. Ана шу йўналиш доирасида давлат мустақиллигининг асослари, давлат тили, байроғи, мадҳияси, герби, чегараси, фуқаролик, референдум, Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига, Президентликка сайлов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги тарихий аҳамиятга эга бўлган қонунлар қабул қилинди.

**Иккинчи йўналиш** ижтимоий соҳага қаратилиб, таълим, фуқаролар соғлиғини сақлаш, давлат пенсия таъминоти, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш, одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш, аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш, аҳолининг эпидемиологик осойишталиги, аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси, йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар, ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари, васийлик ва ҳомийлик, бола ҳуқуқларининг кафолатлари, меҳнатни муҳофаза қилиш, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисидаги муҳим қонунлар қабул қилинди.

Ижтимоий ҳимояга оид қонун ҳужжатлари самараси ўлароқ, юртимиздаги 10 фоиз таъминланган ва 10 фоиз етарлича таъминланмаган аҳоли даромадлари ўртасидаги фарқ, яъни «децил коэффиценти» деб ном олган кўрсаткич барқарор пасайиш тенденциясига эга бўлиб, бу рақам 2010 йилдаги 8,5 фоиз ўрнига 2015 йилда 7,7 фоизни ташкил этди. Даромадлар ўртасидаги фарқни ифода этадиган яна бир халқаро кўрсаткич — Жини индекси мамлакатимизда 2010 йилдаги 0,390 ўрнига 2015 йилда 0,280 ни ташкил этди ва бу натижа дунёнинг кўплаб иқтисодий ривожланган ва ривожланаётган давлатларига қараганда анча яхшидир. Кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 мингта чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди.

БМТ ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 давлатда «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» деган мавзуда ўтказилган тадқиқотда Ўзбекистон 44-ўринни эгаллади.

**Учинчи йўналиш иқтисодий соҳадаги қонун ҳужжатлари**, хусусан, тизимдаги ўзгаришларга, сифат жиҳатидан янги иқтисодий муносабатларга, энг аввало, мулкчилик муносабатларига асос соладиган қонунлар мажмуини яратишни ўз ичига олди. Парламент томонидан қабул қилинган ана шундай базавий, яъни асосларни белгилаб берувчи қонунлар жумласига мулкчилик, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, ижара, акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қимматли қоғозлар бозори, аудиторлик фаолияти, микрокредит ташкилотлари, микромолиялаш, банклар ва банк фаолияти, банк сири, тижорат сири, кредит ахбороти алмашинуви, ипотека, истеъмол кредити, биржалар ва биржа фаолияти, лизинг, гаров, гаров реестри, банкротлик, баҳолаш фаолияти, суғурта фаолияти, бухгалтерия ҳисоби, валютани тартибга солиш, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, рақобат, риэлторлик, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари, оилавий тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият, эркин иқтисодий зоналар, инвестиция фаолияти, чет эл инвестициялари, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари, инвестиция ва пай фондлари, концессиялар, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш, электрон ҳукумат, электрон тижорат, электрон тўлов, электрон ҳужжат айланиши, электрон рақамли имзо каби қонунлар, Фуқаролик, Бюджет, Солиқ, Божхона, Меҳнат, Ер кодексларини киритиш мумкин.

Ушбу қонун ҳужжатлари ижроси самараси ўлароқ ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охирги 11 йил давомида жаҳондаги саноқли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда, мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳаларидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, замонавий корхоналар барпо этиш, уларни илғор техника ва технологиялар билан жиҳозлаш борасида улкан муваффақиятларга эришмоқдамиз. Иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етди, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошди, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан кўпайиб бормоқда.

**Тўртинчи йўналиш суд-ҳуқуқ соҳасини қамраб олди. Бу борада** судлар, прокуратура, адвокатура, адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси, нотариат, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, одам савдосига қарши курашиш, жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш, суд экспертизаси, тезкор-қидирув фаолияти, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисидаги қонунлар, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодекслари қабул қилинди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, АҚШдаги Гэллап институти томонидан «Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси» деган мавзуда 2015 йилда ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 давлат орасида 2-ўринни эгаллади.

**Бешинчи — фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш йўналиши**да жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, сиёсий партияларни молиялаштириш, касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари, жамоат фондлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови, ижтимоий шериклик, экологик назорат, ҳомийлик тўғрисидаги каби қонунлар қабул қилинди. Соҳа ривожига қаратилаётган эътибор самарасида бугунги кунда бундай тузилмаларнинг сони 8 минг 500 дан ошди.

**Олтинчи, яъни мудофаа ва хавфсизлик, ташқи сиёсат йўналишида** мудофаа, умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат, Қуролли Кучлар резервидаги хизмат, фуқаро муҳофазаси, қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми, терроризмга қарши кураш, радиациявий хавфсизлик, гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги, аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, давлат сирларини сақлаш, махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити, халқаро шартномалар, дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабаларини белгилаш, Консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисидаги каби қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик ва Ташқи сиёсий фаолияти концепциялари тасдиқланди.

Мазкур қонун ҳужжатлари ижроси ўлароқ, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Хавфсизлик тизими самарали йўлга қўйилганлиги боис, 2014 йилда Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш бўйича жаҳондаги етакчи беш мамлакат қаторидан ўрин олди.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, қабул қилган қонунларимиз ҳамда уларнинг асосида эришган ютуқларимиз ўзимизники. Айни пайтда олдимизга қўйган олий мақсад — гўзал ва бетакрор, муқаддас Ватанимиз Ўзбекистонимизни энг тараққий топган давлатлар қаторига кириши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўладиган қонунчиликни янада такомиллаштириш тўхтовсиз жараён эканлигини унутмаслигимиз керак.

**Миравзал МИРАКУЛОВ,
Самира САИД-ГАЗИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчилари, юридик фанлар номзодлари.**

ХАБАРЛАР ТЎЛҚИНИДА

## «Электрон ҳукумат»нинг ахборот киосклари

### барча вилоятларда ўрнатилади

*Бу ҳақда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида маълум қилинди, деб хабар беради «Норма».*

Унда айтилишича, синов режимида ахборот киосклари ташкил этилади ва интернет ёки компьютердан фойдаланмайдиган фуқаролар у орқали портал хизматларига мурожаат этиши мумкин. Ахборот киосклари турли жамоат жойларида, шу жумладан, почта бўлимларида, йирик савдо марказларида, ҳокимият биноларида, вокзалларда ва аэропортларда ўрнатилади. 2019 йил охирига қадар республика бўйича 2 минг ахборот киосклари яратиш кўзда тутилган. Жорий йилда 250 шундай киоск иш бошлайди.

Ушбу киосклар орқали фуқаролар нафақат порталдаги маълумотларга эга бўлиши, балки рўйхатдан ўтиши ва давлат органларига мурожаат йўллаши мумкин бўлади. Шу муносабат билан электрон рақамли имзоларни олиш ҳамда уларни сақлаш борасидаги тартибларга ҳам ўзгартиш киритилади.

## 14 нафар инглиз тили ўқитувчиси

### Буюк Британияда малака оширди

*Мамлакатимиз олий таълим муассасалари инглиз тили ўқитувчилари ўртасида «Энг яхши инглиз тили ўқитувчиси» танлови натижаларига кўра, энг юқори балл тўплаган 14 нафар инглиз тили ўқитувчиси жорий йилнинг 9-23 август кунлари Буюк Британиянинг Норвич тил ўқитиш институтида қисқа муддатли малака ошириш курсида қатнашиб, ўз билим ва малакаларини янада такомиллаштириб қайтдилар. Бу ҳақда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ахборот хизмати хабар қилди.*

Инглиз тили ўқитувчилари учун Норвич тил ўқитиш институтида «Material Design», «Trainer Development» ва «Language awareness» каби йўналишларда профессор ва малакали мутахассислар томонидан машғулотлар олиб борилди.

## «Ўзбектелеком»

### UZCLOUD дата-марказни ишга туширади

*UZCLOUD маълумотларни қайта ишлаш марказини Тошкент, Бухоро ва Қўқон шаҳарларида яратиш кўзда тутилган.*

«Ўзбектелеком» АК истиқболли ривожланиш ва инвестициялар бўйича директори Жамол Мақсудовнинг маълум қилишича, ҳозирги вақтда марказни ишга туширишнинг 1-босқичи Тошкент шаҳрида амалга оширилди. Мазкур лойиҳадан мақсад маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш маркази ресурсларига ўсиб бораётган талабни қондириш, техник имкониятларни кенгайтириш, шунингдек, ҳисоблаш базасида янги хизматларни тақдим этишдир.

«Ўзбектелеком» матбуот хизмати берган маълумотга кўра, мижозларга видеоконференц алоқа хизматлари ҳам тақдим этилади, унинг асосида фойдаланувчилар бор-йўғи бир неча буйруқ асосида қариндошлари ва яқинлари, бизнес бўйича ҳамкорлари билан ўз компьютерлари, планшет, смартфонлари орқали мулоқот қилиш имконига эга бўлади.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

## ҚОЧҚИНЛАР ОҚИМИ ТУФАЙЛИ

### чегарадаги назорат кучайтирилди

*Германия ҳукумати ноқонуний қочқинлар оқими кўпайгани сабабли Швейцария билан чегарасидаги назоратни кучайтирди. Бу ҳақда Reuters ахборот агентлиги хабар бермоқда.*



Чегарага қўшимча равишда чегарачи ҳамда полициячилар юборилган.

Қочқинлар Швейцария ҳудуди орқали тегишли ҳужжатларсиз ва бошпана берилиши учун рухсат сўрамасдан Германия ва бошқа давлатларга ўтишга уринмоқдалар.

Бундан олдин Германия махсус хизматлари қочқинлар орасидан террорчилик гуруҳига ёллашлар амалга оширилаётгани ҳақида хабар берганди. Ярим йил аввал эса Германия махсус хизмати муҳожирлар орасида жангарилар борлигини маълум қилган эди.

## 4 МИНГГА ЯҚИН КАНАДАЛИК

### астронавтлар сафига қўшилиш истагини билдирди

*Яқин орада бўлажак астронавтларни саралашни бошлайдиган Канада космик агентлиги салкам тўрт мингга яқин кишидан талабнома олди. Бу ҳақда ТАСС ахборот агентлиги хабар бермоқда.*

Маълумотларга кўра, 2016 йил июлидан ҳозирга қадар агентликка 3772 талабнома тушган. Мурожаат этганларнинг 70 фоизи эркаклардир. Уларнинг 374 нафари айни пайтда Канадада истиқомат қилмайди.

1983 йилдан бери агентлик 12 астронавтни танлаб олди, улардан саккиз нафари коинотга амалга оширилган 16 халқаро парвозда иштирок этди.

Жорий йилнинг май ойида 46 ёшли Давид Сен-Жак Халқаро космик станцияга парвоз қиладиган навбатдаги канадалик астронавт эканлиги маълум бўлди. У 2018 йилда парвоз қилади, 6 ой давомида коинотда бўлади.

## МАШИНАСИЗ ЕТТИ КУН

*Париж маъмурияти атроф-муҳитни соғломлаштириш ва кўчаларда автомобиллар сонини камайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни давом эттирмоқда. Яқинда Франция пойтахти маъмурияти парижликларга*



*бир ҳафтага автомобиллардан фойдаланмасликни таклиф қилди. Тегишли чақириқни маъмурият матбуот хизмати тарқатди, деб хабар бермоқда ТАСС ахборот агентлиги.*

Париждаги экологик тажриба 19–25 сентябрь кунлари ўтказилади.



ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ САМАРАСИ ЎЛАРОҚ, ЮРТИМИЗДАГИ 10 ФОИЗ ТАЪМИНЛАНГАН ВА 10 ФОИЗ ЕТАРЛИЧА ТАЪМИНЛАНМАГАН АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ФАРҚ, ЯЪНИ «ДЕЦИЛ КОЭФФИЦЕНТИ» ДЕБ НОМ ОЛГАН КЎРСАТКИЧ БАРҚАРОР ПАСАЙИШ ТЕНДЕНЦИЯСИГА ЭГА БЎЛИБ, БУ РАҚАМ 2010 ЙИЛДАГИ 8,5 ФОИЗ ЎРНИГА 2015 ЙИЛДА 7,7 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

РИО — 2016

Олимпиадада қўлга киритилган ҳар бир ғалаба тарихда қолади.

# ХАЛҚИМИЗНИНГ ФАХРИ ВА ИФТИХОРЛАРИ

## Рио-де-Жанейро (Бразилия)да 5-21 август кунлари ўтказилган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида мамлакатимиз спортчилари тўрт олтин, икки кумуш ва етти бронза медалига сазовор бўлишди


Юрт байроғини баланд кўтариш шарафли вазифа.


Меликўзиевнинг навбатдаги ғалабаси.


Курашлар кескин бўлди.


Олимпиада рекорди ўрнатилди!


Фазлиддиннинг навбатдаги зарбаси.


Мураббийнинг қувончи...

Анвар ИЛЕСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар.

**Бутун дунё аҳлини ҳаяжону ҳайратга солган спорт байрами поёнига етди. XXXI ёзги Олимпия ўйинларида ер куррасининг 206 мамлакати, шунингдек, Халқаро Олимпия қўмитаси ташаббуси билан тузилган Мустақил (нотинч давлатлар спортчиларидан иборат) терма жамоалар қатнашди. Спортнинг 33 тури бўйича ўн бир мингдан зиёд спортчи 306 медаллар жамланмаси учун кураш олиб борди.**

Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик тўйига катта ҳозирлик кўрилаётган шу кунларда Ўзбекистон спортчилари энг улуғ, энг азиз байрамимизга муносиб совға туҳфа этдилар. XXXI ёзги Олимпия ўйинларида жами 70 нафар ҳамюртимиз, жумладан, 23 хотин-қиз спортнинг академик эшкак эшиш, бадиий гимнастика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, бокс, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, трамполин, ўқ отиш, эркин ва юнон-рум кураши турлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Рио-де-Жанейро олимпиадасида жами 87 давлат вакиллари медалларни қўлга киритишга эришди. Олтин медалга сазовор бўлганлар янада кам — 59 мамлакат. Аҳолиси салкам 1 миллиард 300 миллион бўлган Ҳиндистондан Рио-де-Жанейро олимпиадасида 124 нафар спортчи қатнашди. Аммо улардан бирортаси Олимпия чемпиони бўла олмади. Ёки охирги йилларда дунёда спорт салоҳияти тобора ортиб бораётган Португалия номидан 92 спортчи майдонга тушди ва атиги бир нафари бронза медали билан тақдирланди.

Агар бу каби кўрсаткичларни ҳамюртларимизнинг XXXI ёзги Олимпия ўйинларида эришган натижалари билан қиёсласак, Ўзбекистон спортчиларининг қўлга киритган ютуқлари нечоғли салмоқли эканлиги янада ойдинлашади.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, **спорт оламидаги ҳар қандай ютуқ ўз-ўзидан келмайди. Спорт майдонларида эришиладиган ютуқлар — аввало шу йўлда тинимсиз интилиб, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, айни вақтда шу инсонни тарбиялаб вояга етказган жамиятнинг ютуғидир.** Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда спортнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилди. 2002 йилда ташкил қилинган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт иншоотлари барпо этилди. Бугунги кунда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг қарийб 60 фоизи спорт секцияларига қатнашмоқда.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда олимпия ҳаракати кенг тус олди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларидан иборат уч босқичли спорт ўйинлари мунтазам ташкил этилмоқда. «Кичик олимпиада» мақомини олган бу мусобақалар бугун истеъдодли ёшларни топиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бера бошлади. Буни Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида муносиб қатнашиб, юксак ғалабаларни қўлга киритаётган спортчиларимиз мисолида кўриб, билиб турибмиз.

Мисолларга эътибор қаратайлик. 1996 йилда АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтган ёзги Олимпия ўйинларида бир кумуш, бир бронза медалини қўлга киритган эдик. Орадан тўрт йил ўтиб, Сидней олимпиадасида спортчиларимиз бир олтин, бир кумуш ва икки бронза медалига сазовор бўлишди. 2004 йилги Афина олимпиадасида ҳамюртларимиз икки олтин, бир кумуш ва икки бронза медали билан тақдирландилар. Пекинда ўтказилган 2008 йилги ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари бир олтин, икки кумуш ва уч бронза медалини қўлга киритишди. Бундан тўрт йил муқаддам Лондонда ўтказилган олимпиадада вакилларимиз бир олтин ва икки бронза медали билан юртимизга қайтишганди.

Бу гал Рио-де-Жанейро олимпиадасида эса Ўзбекистон спортчилари жами 13 (тўрт олтин, икки кумуш ва етти бронза) медални қўлга киритиб, 207 жамоа спортчилари орасида 21-ўринни эгаллади. МДҲ мамлакатлари ўртасида ҳамюртларимиз Россия спортчиларидан кейин иккинчи, Осиёда эса Хитой, Япония ва Жанубий Корея вакилларидан сўнг тўртинчи поғонани эгаллаганининг ўзи юртимиз спорт салоҳияти нечоғли ўсганлигини тасдиқлаб турибди.



Олимпиячиларимиз XXXI ёзги Олимпия ўйинларига ***«Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!»*** деган шиорни қалбига жо қилиб, бўлажак беллашувларда юксак натижаларни қўлга киритишга ва энг улуғ, энг азиз байрамимизга муносиб туҳфа билан қайтишга аҳд қилиб, йўлга отланишган эди.

Рио-де-Жанейро олимпиадасида истеъдодли «чарм қўлқоп» усталаримиз **Ҳасанбой Дўсматов (49 кг), Шаҳобиддин Зоиров (52 кг), Фазлиддин Ғойибназаров (64 кг),** оғир атлетикачимиз **Руслан Нурудинов (105 кг)** олтин, боксчиларимиз **Шаҳрам Ғиёсов (69 кг), Бектемир Меликўзиев (75 кг)** кумуш, дзюдочиларимиз **Диёрбек Ўрозбоев (60 кг), Ришод Собиров (66 кг),** юнон-рум курашчимиз **Элмурод Тасмурадов (59 кг),** боксчиларимиз **Рустам Тўлаганов (91 кг), Мурođжон Аҳмадалиев (56 кг),** эркин курашчиларимиз **Ихтиёр Наврўзов (65 кг), Магомед Ибрагимов (97 кг)** бронза медалини қўлга киритиб, Ўзбекистон спорт делегацияси ютуғига муносиб ҳисса қўшдилар. Олимпия чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлган полвонимиз Руслан Нурудиновнинг оғир атлетика бўйича олимпиада рекордини янгилагани кўксимизни янада фахр ва ифтихорга тўлдирди.

Юртимизнинг музаффар фарзандлари ғалабалари шарафига Ватанимиз байроғи баланд кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янгради. Улар шоҳсупага кўтарилганида, қалбимиз олам-олам ҳаяжонга тўлди, кўзларимизга қувонч ёшлари қалқди. Ҳамюртларимизнинг эришган юксак натижалари бутун мамлакатимиз бўйлаб байрам қилинмоқда.

— Фарзанди камолини, бахту саодатини кўриш она учун энг улуғ бахт. Унинг ортидан олқишлар олиш, Ватанга хизмати учун бутун элдан раҳматлар эшитишнинг қувончини таърифлаб беролмайман. Ўғлимнинг ғалабасидан бутун Ўзбекистон халқи фахрланаётганини кўриб бошим кўкка етмоқда, — дейди **Олимпия чемпиони Руслан Нурудиновнинг онаси Гулчеҳра опа.** — Ўғлим болалигида мана, кўрасиз ая, мен албатта жаҳон ва Олимпия чемпиони бўламан, дерди. Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод камолотига қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик фарзандимнинг орзу-ниятлари ижобат бўлишига замин яратди. Ўғлимнинг Олимпия ўйинларидаги ғалабаси уни вояга етказган, тарбиялаган, истеъдодини юзага чиқарган мустақил Ўзбекистон ғалабасидир.

Бундай ғалабалар ўз-ўзидан қўлга киритилмайди, албатта. Булар аввало, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имконият яратилгани, профессионал спортчиларни тарбиялаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир.

Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлганлигини эътироф этиш даркор. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида аниқ чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, тегишли вазирлик ва идоралар, спорт федерациялари томонидан изчил ишлар олиб борилди.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштириш учун қатор ташкилий ишлар амалга оширилди. Янги бошқарма ва бўлимлар ташкил этилди. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда қўмитанинг ҳудудий вакиллари фаолияти йўлга қўйилди. Жойларда спорт тадбирларини кенг миқёсда ўтказиш, иқтидорли ёшларни кашф этиш уларнинг муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Олимпия ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритиш ва ушбу мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаш имконияти юқори бўлган истиқболли спорт турлари аниқланиб, улар бўйича федерацияларнинг фаолияти атрофлича ўрганиб чиқилди. Халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда айрим федерациялар бирлаштирилди. Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган спорт турлари бўйича федерация ва ассоциацияларга ҳомийлар бириктирилди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг янги биноси фойдаланишга топширилди, Ўзбекистон спортчиларини тиббий-биологик хизмат ва спорт психологияси билан таъминлаш бўйича ихтисослаштирилган марказ ташкил этилди. Спортчиларимиз мамлакатимиз ва хорижда ташкил этилган ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этиб, тажриба ва маҳоратини оширди.

Рио-де-Жанейро олимпиадаси ўзбек бокси тарихида янги ва нурли саҳифа очганлиги билан ёдимизда сақланиб қолиши шубҳасиз. **Мусобақаларда эркаклар ўртасида рингга чиққан ўн нафар «чарм қўлқоп» устасидан етти нафари шоҳсупага кўтарилди**. Шиддатли ва муросасиз кечган жангларда ҳамюртларимизнинг Куба, Россия, АҚШ, Колумбия, Қозоғистон сингари давлатларнинг номдор боксчиларини мағлубиятга учратганлигини дунё бокс мутахассислари ҳали узоқ йиллар эслаб юришса ажабмас. Бокс бўйича шоҳсупага кўтарилган йигитларимиздан уч нафари олтин, икки нафари кумуш ва яна икки нафари кўксини бронза медали безади. Уларнинг ҳар бири кўрсатган маҳорат ва матонат алоҳида эътирофга лойиқ.

Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон боксчилари Франция, Куба, Қозоғистон, Россия, АҚШ ва Буюк Британия вакилларини ортда қолдирди. Истеъдодли боксчимиз, Олимпия чемпиони Ҳасанбой Дўсматовга Олимпия ўйинларининг махсус соврини — Вэл Баркер Кубоги топширилди. Ушбу мукофот анъанавий тарзда мусобақанинг энг техникаси юқори боксчисига тақдим этилади. Мазкур нуфузли мукофот 1936 йилдан эътиборан Олимпиаданинг энг яхши боксчисига топшириб келинади.

— Ушбу мукофот мен учун жуда ҳам қадрли, — дейди **Ҳасанбой Дўсматов.** — Бу совринни шу даражага етишимда асосий сабабчи бўлган ота-онамга бағишлайман. Мен ҳамиша улар билан фахрланаман.

— Бразилияда қўлга киритилган ғалабалар, аввало, юртимизда узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсат самараси деб биламан, — дейди **бухоролик 76 ёшли Абдулла ота Ғиёсов.** — Спортчи эришган ютуқлар фақат маҳорат ва ирода меваси эмас. Унда спортчининг ватанпарварлиги ҳам бор. Бу туйғу юракда бўлади. Неварам Шаҳрамни кўп кузатганман. У ҳар гал рақиби устидан ғалаба қозонганида кийимининг кўкрагида нақшланган Ўзбекистон байроғини ўпади, кўзига суртади. Ғурур ва ифтихор деганлари шу асли. Ғурурли инсоннинг юрагида Ватан меҳри бор. Бундай фарзандларимизга илоҳим кўз тегмасин!

Шуни айтиш керакки, Рио-де-Жанейро олимпиадасида қўлга киритилган натижалар бундан-да салмоқли бўлиши ҳам мумкин эди. Афсуски, айрим спортчиларимизга бироз омад етишмади. Жумладан, дзюдочи Пекин олимпиадаси совриндори Абдулла Тангриев, таэквондочи жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин, эркин курашчи Бекзод Абдураҳмоновларга совриндорлар сафидан жой олиш учун биттадан ғалаба етишмади, холос.

Ёзги Олимпия ўйинларида стол тенниси бўйича эркаклар ўртасида Зоҳид Кенжаев, бокс учрашувларида аёллар ўртасида Ёдгорой Мирзаева (57 кг) илк маротаба юртимиз шарафини ҳимоя қилишган бўлса-да, мухлису мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди. Афсонавий гимнастикачимиз, Барселона олимпиадаси чемпиони, Пекин олимпиадаси совриндори Оксана Чусовитинанинг қирқ бир ёшида медаллар учун кескин кураш олиб борганлиги барчани ҳайратга солди. У еттинчи маротаба спорт гимнастикаси бўйича ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган аёл спортчи сифатида тарихда қоладиган бўлди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу олимпиада мамлакатимизда маҳоратли спортчилар авлоди камолга етаётгани, эртанги кунга катта ишонч ва умид билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини яна бир бор кўрсатди.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ТАДБИР

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур, Яккасарой ҳамда Яшнобод туманлари, Касаба уюшмалари ташкилотлари Тошкент шаҳар бирлашмаси ҳамкорлигида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

## Байрам шодиёнаси



Унда мустақиллик йилларида Тошкент шаҳрида ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда эришилган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмали чиқишлар ва фотосуратлар намойиш этилди. Тадбирда фан, адабиёт, санъат, маданият ва спорт намояндалари, Давлат мукофоти совриндорлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари иштирок этди.

— Тошкент шаҳридаги 505 маҳалланинг ҳар бирида, корхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида алоҳида дастур бўйича байрам тадбирлари ўтказилмоқда, — дейди **«Тахтапул» маҳалласи фаоли Азиза Обидова.** — Бир ой мобайнида мазкур боғда ҳар жума куни мунтазам равишда тадбирлар ташкил этилди.

Ушбу мулоқотларда спорт бўйича Осиё ва жаҳон чемпионлари, турли танловлар ғолиб ва совриндорлари иштирок этишмоқда. Халқ ҳофизлари таниқли эстрада хонандалари, театр актёрлари, аскиячилар, фольклор жамоалари ижросида куй-қўшиқлар янграмоқда. Шунингдек, гул сайли, миллий қўғирчоқ ва ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.

**Шаҳбоз САИДОВ**

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

## Камалак жилоси

**Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон Бадиий Академияси, «Сен ёлғиз эмассан» болалар жамоатчилик жамғармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамда бир қатор ҳамкорлар билан бирга «Камалак жилоси» республика расмлар кўрик-танловини ўтказди.**

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этган ушбу анъанавий танловнинг ҳудудий босқичида 1500 нафар ёш қаламкашлар қатнашди. Якуний босқичда 100 дан зиёд акварель расмлар ва 80 дан ортиқ амалий санъат асарлари намойиш этилди.

Ҳайъат аъзолари томонидан 4 ёшдан 10 ёшгача, 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган иштирокчилар орасидан 12 нафар ғолиб ва 7 номинация бўйича совриндорлар аниқланди. Танлов якунида уларга қимматбаҳо совға ва дипломлар топширилди.

**Мунира РАҲИМОВА,**
**ЎзМУ талабаси.**

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug‘bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari)
Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859
8858 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 22:15
Topshirilgan vaqti — 00:20
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 6